

Ўзбекистон Миллий университети  
Кенгашининг 2022 йил “27”  
моч даги 12 сонли  
баёни билан тасдиқланган



**Ўзбекистон Миллий университетининг  
“Талабалар Кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги  
НИЗОМ**

**I. Умумий қондалар**

1. Ўзбекистон Миллий университети Талабалар кенгаши Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни ҳамда ЎЗМУнинг Кенгаши томонидан 2022 йил 27 майда тасдиқланган 12-сонли қарори асосида ишлаб чиқилган бўлиб Ўзбекистон Миллий университетининг Талабалар Кенгаши (бундан кейин Талабалар Кенгаши деб юритилади) фаолиятини тартибга солади.

2. Талабалар Кенгаши талабаларни ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида талабаларнинг вакиллик органи, талабаларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳисобланади.

3. Талабалар Кенгаши талабаларнинг университет фаолиятининг талабаларга тегишли энг муҳим масалаларини муҳокама қилиш ва ҳал қилишда иштирок этиш, талабалар ҳаётидаги долзарб масалаларни ҳал қилиш, ижтимоий ҳимоя ҳуқуқларини амалга оширишни таъминлайди. Талабаларнинг фаоллиги, ижтимоий ташаббусларини қўллаб-қувватлайди ва амалга оширади.

4. Талабалар Кенгаши ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, амалдаги қонун ҳужжатлари, университет фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда мазкур Низом асосида амалга оширади.

5. Талабалар кенгашининг тўлиқ номи:

давлат тилида қирилл ёзувида — **Ўзбекистон Миллий университети Талабалар Кенгаши;**

давлат тилида лотин ёзувида - **O‘zbekiston Milliy universiteti Talabalar Kengashi;**

**II. Талабалар Кенгашининг устувор мақсад ва вазифалари**

6. Талабалар Кенгашининг асосий мақсади талаба-ёшларнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, уларнинг ижтимоий етуқлиги, мустақиллиги ва қобилиятини ривожлантиришга кўмаклашиш, талабаларнинг ўзини ўзи бошқариш кўникма ва малакаларини шакллантириш, университетдаги талаба-ёшларнинг таълим-тарбия олиши учун муносиб шароит яратиш берилган кўмаклашиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳар томонлама барқамол шахслар бўлиб етишига муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

7. Талабалар Кенгаши вазифалари куйидагилардан иборат:

- университетдаги талаба-ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилган лойиҳаларни ташкил этиш ва ўтказиш;

- университет талаба-ёшларининг ижтимоий муаммолари, таълим сифати, фанларни ўзлаштириши, дарсликлардан ва кутубхонадан фойдаланиш даражасини ўрганиш ва таҳлил асосида университет маъмурияти билан музокара олиб бориш, талаба-ёшлар мурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал этишда кўмаклашиш;

- ёшларнинг билим олиши, чет тилларини ўрганиши, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллаши ҳамда уларни касб-хунарга йўналтиришда шароит яратишга кўмаклашиш;

- талабаларнинг илмий ва касбий кизиқишларини ҳамда таълим дастурлари мазмуни бўйича талабаларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёни сифатини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- истеъдодли ёшларни кашф этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришга тавсия этиш, интеллектуал ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга кўмаклашадиган клуб ва тўғараклар фаолиятини ташкил этишда кўмаклашиш ва фаол иштирок этиш;

- имконияти чекланган ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларнинг инклюзив таълим олиши учун қулай шароит яратишга қаратилган фаолиятни қўллаб-қувватлаш;

- Талабалар Кенгашининг сайловолди дастурида белгиланган чоратadbирлар, амалий ишлар ва лойиҳаларни университет миқёсида самарали ташкил этиш ва ўтказиш;

- ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, уларнинг китобга бўлган муҳаббатини ошириш ва китобхонлик маданиятини ривожлантириш;

- университет талаба-ёшлари ўртасида ёшлар туризмининг ривожлантириш, уларнинг ўзлари яшаётган ҳудуддаги тарихий обидалар, муқаддас кадамжолар, музейлар, театрлар, мустақиллик даврида барпо этилган иншоотларга ташрифларини уюштириш;

- ёшлар, айниқса, талаба қизлар ўртасида спортни кенг тарғиб этиш, уларнинг спортга бўлган кизиқишини қўллаб-қувватлаш ҳамда турли спорт мусобақаларида иштирок этишига кўмаклашиш;

- хоржий талабаларни ҳам университет миқёсида ўтказиладиган маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари, фестивалларга ҳам қамраб олиш;

- талабаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, талабаларнинг университетлараро, минтақалараро ва халқаро алоқаларини кенгайтириш;

- мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш учун ҳақиқий конструктив куч ва стратегик ресурс сифатида талаба ёшлар ҳақида жамоатчилик фикрини шакллантиришда иштирок этиш;

- талаба-ёшларнинг ижтимоий аҳамиятга молик ташаббусларини амалга оширишга кўмаклашиш.

- мулкий комплексга ғамхўрлик қилиш, университетининг тарихи, анъаналари, рамзларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни тарбиялаш, мулоқот маданиятини ошириш;

### III. Талабалар Кенгашининг ҳуқуқи ва мажбуриятлари

8. Талабалар Кенгашининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- университет ёшларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ўқув, тарбия ва бошқа жараёнларда иштирок этиш;

- университетдаги дарслар сифати, профессор ўқитувчилар касбий фаолияти ва талаба ёшлар билан муносабати, шунингдек, кутубхона, спорт объектлари фаолиятини ўрганиш, ижтимоий сўровлар ўтказиш;

- университетдаги шароитлардан фойдаланиш, ёшлар иштирокида тўғараклар, клублар ташкил этиш, иш режадаги чора-тадбирларнинг университет томонидан молиялаштирилиш юзасидан Талабалар Кенгаши таклифларини университет раҳбариятига бериб бориш ҳамда ҳомий ва ҳамкорларни жалб этиш;

- университет ёшларининг муаммолари, таклиф-ташаббуслари юзасидан университет ректорига бевосита таклифлар киритиш;

- Талабалар Кенгаши фаолиятига доир маълумотларни таркатиш ва тарғиб этиш.

Талабалар Кенгаши тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлардан ҳам фойдаланиши мумкин.

9. Талабалар Кенгаши аъзоларининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Ёшлар агентлиги ҳамда университет томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида фаолият юритиш, уларда белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилиш;

- университет раҳбариятига ўз фаолияти тўғрисида маълумотни такдим этиб бориш;

- Талабалар Кенгаши учун ажратилган хоналар, моддий-техник воситалар ва маблағлардан тўғри фойдаланиш;

- университетнинг ўқув, тарбия ва бошқа ишларига қўмаклашиш;

### IV. Талабалар Кенгаши тузилмаси

4.1 Университет Талабалар Кенгаши раиси – Илмий кенгашга аъзо.

4.2 Талабалар Кенгашининг ташкилий тузилмаси қуйидагилардан иборат:

- Университет Талабалар Кенгаши аъзолари 15 кишидан иборат: Талабалар Кенгаши раиси, Талабалар Кенгаши раиси ўринбосарлари, Талабалар Кенгаши раисининг масъул котиби, аъзолари;

- Факультет талабалар кенгаши 11 кишидан иборат бўлиб раисига номзодларни (3 нафаргача) университет ёшлар иттифоқи етакчиси ва декан келишилган ҳолда тавсия этади. Тавсия этилган номзодлар факультет академик гуруҳ сардорларининг умумий йиғилишида кўпчиликнинг овоз бериш йўли билан сайланади ва ушбу йиғилиш баённомаси асосида тайинланади;

- Факультет талабалар кенгаши раиси – Университет Кенгашига ҳисобот

берилади;

- ТТЖ талабалар кенгашлари (таркиби 9 кишидан иборат бўлади. ТТЖ талабалар кенгаши раисига номзодларни (3 нафаргача) факультет ёшлар иттифоқи етакчиси ва декан келишилган ҳолда тавсия этади. Тавсия этилган номзодлар ТТЖда яшайдиган талабаларнинг вакиллари (ҳар этаждан 10-15 кишидан) овоз бериш йўли билан сайланади ва тегишли баённома асосида тайинланади;

- Факультет Кенгашига аъзо ва ҳисобот беради.

- Талабалар Кенгаши таркибидаги тузилмалар (секторлар, тўғарақлар, клублар ва бошқалар).

4.3 Талабалар Кенгашининг сайлови ҳар ўқув йили (одатда сентябрь-октябрь ёки май-июнь ойлари) да ўтказилади:

4.4 Ҳисобот йиғилиш фаолияти тартиби:

- ҳисобот йиғилиши (умумий йиғилиш) Талабалар Кенгашининг юқори органи ҳисобланади;

- ҳисобот йиғилиши ҳар ўқув йилида бир марта ўтказилади;

- ҳисобот йиғилишида Талабалар Кенгаши, раис ўринбосари, факультет талабалар кенгаши раиси, талабалар турар жойи кенгаши раиси ва Кенгаш аъзолари иштирок этади.

4.5 Талабалар Кенгашининг фаолияти:

- Талабалар Кенгаши Кенгаш низоми ва Ўзбекистон Миллий университети ички тартиб қоидаларида белгиланган мақсад-вазифаларни тўлиқ бажарилишини таъминлайди;

- Талабалар Кенгаши таркиби Кенгаш раиси тайинлангандан сўнг, Талабалар Кенгаши сайлови яқунлари натижасига кўра университет раҳбари томонидан эълон қилинади;

- Талабалар Кенгаши таркибидаги тўғарақлар, клублар ва бошқа тузилмалар ишини бошқаради;

- Кенгаш раиси Кенгаш фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

4.6 Кенгаш раисининг вазифаси ва ваколати :

- Кенгаш раиси университетдаги Талабалар Кенгаши фаолиятининг ҳуқуқий базасини назорат қилиш ҳамда Талабалар Кенгаши фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш;

- Талабалар Кенгаши ва факультет талабалар кенгашлари фаолиятини мувофиқлаштириш, ташкилий ва услубий кўмак кўрсатиш, Талабалар Кенгаши аъзоларининг таклиф-ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;

- университет талаба-ёшларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

- ёшлар масалаларига оид давлат қарорлари ва дастурлари ижросини таъминлаш;

- Талабалар Кенгаши фаолияти юзасидан маълумот, ахборот ва ҳисоботларни тайёрлаш ва университет кенгашига киритиб бориш;

- Талабалар Кенгаши учун ажратилган хона, моддий-техник воситалар ва маблағлардан мақсадли фойдаланишни таъминлаш;

- Талабалар Кенгаши аъзолари, факультет талабалар кенгаши фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ҳамда етакчилик қобилятига эга

талаба-ёшлардан кадрлар захирасини шакллантириб, факультет талабалар Кенгашларига тақдим этиш;

- Талаба-ёшларнинг кизиқиши ва таклиф-истакларидан келиб чикиб, турли тугараклар клублар ва тузилмалар ташкил этиш.

**Талаба-ёшлар билан маънавий-маърифий фаолиятга оид қуйидаги ишларни университет маъмурияти билан биргаликда ташкил этади:**

- Талаба-ёшларни она Ватанга мухаббат ва садокат руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига миллий истиклол ғояси, миллий қадриятлар, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва оилавий қадриятларни сингдириш;

- Талаба-ёшларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида белгиланган фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини, фуқаролик жамияти моҳиятини англаштириш, уларга мамлакатда амалга оширилаётган демократик ва ҳуқуқий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини мунтазам тушунтириб бориш;

- нотинч оила фарзандлари, тарбияси оғир ва носоғлом муҳитга тушиб қолган ёшларнинг жамиятга ижтимоий мослашуви ҳамда дарсларни мунтазам қолдириб келаётган талабаларни таълим жараёнига қайтариш, талаба қизлар ўртасида эрта никоҳларнинг олдини олиш бўйича тизимли ишлар олиб бориш;

- Талаба-ёшлар ўртасида жинойтчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий-тарбиявий ишларни ташкил қилиш ва амалга ошириш;

- Талаба-ёшларда “оммавий маданият” никоби остидаги зарарли иллатлар, ахборот хуружлари, диний ақидапарастлик, миссионерлик ва экстремистик ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш;

- Талаба-ёшларга тиббий маданият, хусусан, касалликлардан ҳимояланиш йўллари кенг тушунтиришга қаратилган фаолиятни ташкил этиш;

- Талаба-ёшлар ўртасида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни тарғиб қилиш орқали уларда экологик маданиятни юксалтириш, экологик фаолиятга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш.

## **V. Талабалар Кенгаш фаолиятини ташкил қилиш**

5.1 Кенгаш раиси 35 (ўттиз беш) ёшдан ошмаган, ёшлар билан ишлаш амалиётига эга бўлган ёш ўқитувчи (илмий ходим), магистр ёки юқори курс (3-4 курс) талабаси бўлиши мумкин.

5.2 Кенгаш раиси университет Талабалар Кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида сайланади.

5.3 Кенгаш раисига номзодлар Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор томонидан тавсия этилади.

5.4 Кенгаш раиси:

- бошқарувчилик қобилияти, нотиклик маҳорати, ташаббускорлик ва фидоий, ташкилотчилик, жамоат билан ишлаш ва иш юритиш бўйича билим-қўникма ҳамда муайян иш тажрибасига;

- замонавий фикрлайдиган, стратегик таҳлил кила оладиган ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлаш бўйича малакага;

- талаба-ёшлар тарбиясига салбий таъсир килувчи бузғунчи ғоя ва мафкуралар, маънавий таҳдидлар, зарарли иллатлар ҳақида етарли билим ва тасаввурга;

- мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар, ёшларга оид давлат сиёсати ва таълим-тарбия жараёнига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиши лозим.

5.5 Кенгаш раиси лавозимига муносиб кўрилган номзод Кенгаш қарори асосида тасдиқланади.

5.6 Кенгаш раиси лавозимига тасдиқланган номзод тўғрисида маълумотлар университет расмий сайтида эълон қилинади.

## **VI. Талабалар Кенгаши раисининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:**

Кенгаш раиси куйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга :

- Университет талабаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;  
- ёшлар масалаларига оид давлат қарорлари ва дастурлари ижросини таъминлаш;

- Талабалар Кенгаши фаолиятини ташкил этади ва унинг номидан иш юритиш;

- Талабалар Кенгаши таркибидаги тўғарақлар, клублар ва бошқа тузилмалар ишини бошқариш;

- Талабалар учун турли лойиҳалар, саёҳатлар, спорт мусобақалари ташкил этиш;

- Талабалар Кенгаши учун ажратилган хона, моддий-техник воситалар ва маблағлардан мақсадли фойдаланишни таъминлаш;

- Талабалар Кенгаши қарорларида белгиланган вазифалари ижросини талаб қилиш;

- Университетдаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятида иштирок этиш;

- Университетдаги талаба-ёшлар масаласига оид буйруқлар ва фармойишларни Кенгаш жамоаси билан муҳокама қилиш ва университет раҳбариятига таклифлар киритиш;

- Талабалар Кенгаши йиғилишининг қарорлари ижросини таъминлаш

- Кенгаш раиси бошқа қонунчиликка зил бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширади.

## **VII. Талабалар Кенгаш раиси фаолиятини моддий рағбатлантириш**

7.1. Университет ва факультет талабалар Кенгаши раислари амалга ошираётган иш фаолиятининг натижадорлиги, университет ва факультет талабаларининг эришган ютуқларида уларнинг иштироки, талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда ташаббускорлигига қараб ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор

тавсиясига кўра ҳар чоракда бир марта университет бюджетидан ташқари маблағлари ҳисобидан моддий рағбатлантирилиши мумкин.

7.2. Талабалар турар жойи кенгаши раислари ТТЖ да талабаларнинг хавфсизлиги, уларнинг университет ички тартиб қоидалари ва ТТЖ низомига амал қилишларини таъминлаш, ТТЖ даги талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида 5 муҳим ташаббус доирасида маънавий-маърифий ва спорт, китобхонлик, заковат интеллектуал ўйинларни мунтазам ўтказиб борганлиги ва уларнинг тизимли йўлга қўйилганлигини инобатга олган ҳолда университетга қарашли Талабалар турар жойи тўловидан ўрнатилган тартибда озод этилади.

### **VIII. Талабалар Кенгашининг жавобгарлиги**

8.1. Ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни зарур даражада ва самарали бажарилиши;

- Кенгашга киритилган ҳужжатларнинг лойиҳалари, таклифлар ва масалаларни сифатли ва пухта ишлаб чиқилишини ташкил этилиши;

- Кенгаш қарорлари ва топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан назорат таъминланиши;

- ижро интизомига сўзсиз риоя этилиши учун жавоб беради.

### **IX. Якуний қоидалар**

Мазкур Низомга қонунчиликда белгиланган тартибда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Талабалар кенгаши Талабалар кенгашининг умумий йиғилиш қарори асосида ўрнатилган тартибда тугатитилиши ва қайта ташкил этилиши мумкин.